ЎЗБЕК ТИЛИ 5-синф 1-вариант

1. Сифат сўз туркумининг саволлари тўғри кўрсатилган жавобни белгиланг.
А) Қандай? Қанақа?
Б) Ким? Нима?
В) Қаер? Қачон?
Г) Нима қилди? Нима қилмоқчи?
Д) Қандай? Нима?

2. Сифатнинг турлари тўғри кўрсатилган жавобни белгиланг.
А) Оддий даража.
Б) Қиёсий даража.
В) Аслий ва нисбий сифат.
В) Содда сифат.
Д) Қўшма сифат.

3. Сифат қатнашган гапни аниқланг.
А) Саида тез-тез хабар олиб турди.
Б) Чиройли ва хатосиз ёз!
В) Гулистонга бормоқчимиз.
Г) Далада ҳашарчилар бор эди.
Д) Умида гулзор оралади.

4. Озайтирма сифатларни аниқланг.
А) Сўзамол, бадавлат, чиройли.
Б) Кучсиз, пишиқ, катта.
В) Кўкимтир,оқиш, оч сариқ.
Г) Майин, хушовоз, қувноқ.
Д) Сариқ, қизил, хушбўй.

5. **Озайтирма сифатлар қатнашган гапни аниқланг.**
А) Сарғимтир ва кўкиш барглар сув юзини қоплаган.
Б) Тим қора сочи ўзига жуда ярашади.
В) Катта майдон кўринди.
Г) Тўғри одам эгри сўздан ор қилади.
Д) Ёлғон гапириш мумкин эмас.

6. Оддий белги, ранг-тусни,
Билдиради маъноси.
Қайси сўз туркумининг,
Бор шундайин маъноси?
Қайси сўз туркумининг белгилари?
А) От
Б) Сифат
В) Сон
Г) Олмош
Д) Феъл.

7. Кучайтирма сифатларни аниқланг.
А) Мовий, сарғиш, улкан.
Б) Қоп-қора, бут-бутун,кўм-кўк.
В) Ширин, нордон, аччиқ.
Г) Салқин, нафис, қийғос.
Д) Оқиш, кулранг, мовий.

8. Кучайтирма сифат қатнашган гапни аниқланг.
А) Қизлар гулзор оралаб кетишди.
Б) Энг баланд уйлар қаерда?
В) Кўм-кўк осмонда ғубор йўқ.
Г) Ташқари қоронғи эди.
Д) Оқ лента тақиб олган қизлар кўриндилар.

9. Маза-таъм билдирувчи сифатларни аниқланг.
А) Оқ, қизил, нордон.
Б) Аччиқ, сариқ, кўкимтир.
В) Нордон, тахир, шўр.
Г) Шўх, содда, оддий.
Д) Кўк, яшил, хуштаъм.

10. *Ёқимли, мулойим, гўзал, тажанг, зийрак, дилкаш* каби сифатларнинг маъносини аниқланг.
А) Ранг-тус билдирувчи сифатлар.
Б) Маза-таъм билдирувчи сифатлар.
В) Хил-хусусият билдирувчи сифатлар.
Г) Ҳажм-шакл билдирувчи сифатлар.
Д) Озайтирма сифатлар.